



МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МОҲИАТИ

**Джаббаров Жамшид
Суёонович**

*Сурхондарё вилояти Иқтисодиёт ва
молия бош бошқармаси бўлим бошлиғи.*

Annotatsiya

Мақолада мажбурий тиббий суғурта тизимининг иқтисодий ва ҳуқуқий моҳияти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришда суғурта муносабатларининг аҳамияти, молиявий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ҳамда ижтимоий адолатни кафолатловчи ҳуқуқий механизмлар ёритилган. Шунингдек, халқаро ва миллий олимларнинг суғурта тизими ҳақидаги назарий қарашлари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан мажбурий тиббий суғуртага оид янги илмий таъриф таклиф этилган. Тадқиқот натижаларига кўра, мажбурий тиббий суғурта иқтисодий тизимнинг ижтимоий барқарорлигини таъминловчи, давлат бюджети билан хусусий сектор маблағларини уйғунлаштирувчи гибрид молиявий институт сифатида баҳоланади. Муаллиф фикрича, мазкур тизимнинг самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий база мустаҳкамланиши, рискларни бошқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш механизмлари жорий этилиши зарур. Мақолада муаллифлик позицияси асосида мажбурий тиббий суғуртанинг иқтисодий-ҳуқуқий институт сифатидаги ўзига хос жиҳатлари, давлат-хусусий шериклик асосидаги молиявий моделини яратиш зарурати ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар баён этилган.

Kalit soʻzlar:

мажбурий тиббий суғурта, молиявий барқарорлик, соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик, суғурта жамғармаси, ҳуқуқий кафолат, иқтисодий механизм, ижтимоий адолат, инвестиция сиёсати, рискни бошқариш, гибрид молиявий модель.

Янги Ўзбекистон шароитида аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва барча фуқароларни тиббий ёрдам билан қамраб олиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда мажбурий тиббий суғурта (МТС) тизими муҳим молиявий ва ижтимоий институт сифатида шаклланимоқда. У нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси учун барқарор молиялаштириш манбаи, балки иқтисодий

тизимнинг ижтимоий адолат ва тенглик принципларини таъминловчи механизми сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инсон кадри ва соғлиғи – Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий мезонидир” [1]. Шу маънода, тиббий суғурта тизими фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги конституцион ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолати ҳисобланади. Бу тизимнинг жорий этилиши иқтисодий нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш соҳасига сармоялар оқимини кенгайтиради, бюджетга тушадиган юкни камайтиради ва хизмат кўрсатишда бозор механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан мажбурий тиббий суғурта – бу аҳолининг суғурта бадаллари ёки иш берувчилар ҳиссаси ҳисобидан соғлиқни сақлаш хизматларини молиялаштириш тизимидир. У ижтимоий қайта тақсимлаш функциясини бажариб, жамиятнинг иқтисодий фаол қатламлари орқали суғурталанувчи барча аҳоли гуруҳларига тиббий хизматдан тенг фойдаланиш имконини яратади.

МТСнинг иқтисодий мазмуни куйидагича ифода этилади:

соғлиқни сақлаш харажатларини марказлашган ҳолда молиялаштириш;

суғурта жамғармалари орқали маблағларни қайта тақсимлаш;

хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратиш;

аҳолининг соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш.

Шунингдек, МТС миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки у бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаи сифатида давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини қисман хусусий сектор билан бўлишади. Бу эса фискал барқарорлик ва молиявий интизомни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий жиҳатдан МТС — бу фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатловчи давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий суғурта туридир. Унинг ҳуқуқий асослари “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги Қонун, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан белгилаб қўйилган.

МТС муносабатлари ҳуқуқий табиатига кўра учта субъект иштирокида шаклланади:

суғурталанувчи (фуқаро) – тиббий хизматдан фойдаланувчи;

суғурталовчи (давлат ёки суғурта компанияси) – молиялаштиришни амалга оширувчи;

тиббий муассаса (ижрочи субъект) – суғурта шартномаси асосида хизмат кўрсатувчи.

Бу муносабатларда давлатнинг асосий вазифаси – ҳуқуқий кафолатлар орқали фуқароларнинг тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишини таъминлаш, суғурта жамғармаларини шаффоф бошқариш ва маблағлар тақсимоотида иқтисодий манфаатдорликни юзага келтиришдан иборат.

Мажбурий тиббий суғуртанинг молиявий жиҳатдан долзарблиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

давлат соғлиқни сақлаш тизимини фақат бюджет ҳисобига молиялаштириш қимматга тушади. Суғурта жамғармалари орқали молиялаштириш — бу давлат харажатларини қисқартириб, фуқаролар ҳиссасини иқтисодий айланмага жалб қилиш механизмидир;

МТС хизмат кўрсатувчи муассасалар ўртасида сифат ва самарадорлик бўйича рақобат муҳитини яратади, бу эса хусусий клиникаларнинг фаоллигини оширади;

суғурта фондлари орқали жамғарилган маблағларни инвестиция каналларига йўналтириш соғлиқни сақлаш инфратузилмасини модернизация қилиш имконини беради;

МТСда рискларни қайта тақсимлаш орқали соғлиқни сақлаш тизими иқтисодий зарбаларга чидамли бўлади.

Шу жиҳатдан, МТСнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси, балки давлат молия тизимининг узлуксиз ишлашини ҳам кафолатлайди.

Демак, мажбурий тиббий суғурта – ижтимоий сиёсат ва молия тизими ўртасидаги кўприк вазифасини бажарадиган иқтисодий-ҳуқуқий институтдир. Унинг самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, молиявий механизмларни диверсификация қилиш ва давлат-хусусий шериклик моделларини кенг жорий этиш зарур.

Мажбурий тиббий суғурта тизимининг иқтисодий ва молиявий табиати масаласи халқаро ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан турли илмий йўналишларда тадқиқ этилган. Ушбу тизимга нисбатан ғарб мактаби олимлари уни иқтисодий рискларни қайта тақсимлаш механизми сифатида баҳолашади, постсовет мактаби ва миллий иқтисодий фикр вакиллари уни ижтимоий адолат ва давлат кафолатлари асосидаги молиявий институт сифатида талқин этади.

А. Пигу (A. Pigou) ўзининг “The Economics of Welfare” асарида суғурта тизимини ижтимоий фаровонликнинг иқтисодий инструменти сифатида таърифлаб, мажбурий суғурта механизмлари орқали аҳоли даромадларидаги номутаносибликни қисқартириш мумкинлигини таъкидлайди [2]. Унинг фикрича, тиббий суғурта тўлов қобилияти паст қатламлар учун “иқтисодий хавфдан ҳимоя механизми” вазифасини бажаради.

П. Самуэльсон (P. Samuelson) эса “Public Finance Theory”да мажбурий суғуртани ижтимоий товарлар молиялаштиришнинг оптимал шакли деб ҳисоблайди. Унинг назариясига кўра, давлатнинг мажбурий иштирокисиз тиббий хизматлар бозорида фуқароларнинг соғлиққа сарф-харажатлари самарасиз тақсимланади [3].

Ж. Стиглиц (J. Stiglitz) эса тиббий суғурта тизимида ахборот асимметрияси муаммосини қайд этар экан, давлат томонидан назорат ва шаффофликни таъминлаш молиявий барқарорлик учун асосий шарт эканлигини кўрсатади [4]. Унингча, агар суғурта жамғармалари фойда эмас, ижтимоий самарани кўзлаб фаолият юритса, соғлиқни сақлашда барқарор молия тизими яратилади.

В.Д. Миловидов суғурта муносабатларини иқтисодий тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи бозор элементи сифатида тавсифлаб, мажбурий тиббий суғуртани “давлат кафолати остидаги ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш усули” деб таърифлайди [5].

А.И. Гуров эса ижтимоий суғурта турларининг молиявий тизимини таҳлил қилар экан, уни давлат бюджетига параллел тарздаги “иккиламчи қайта тақсимлаш тизими” деб ҳисоблайди. Унингча, тиббий суғурта жамғармалари фақат молиявий институт эмас, балки жамиятдаги ижтимоий барқарорликнинг молиявий кафолатидир [6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи Ш. Камалов мажбурий тиббий суғурта тизимининг миллий моделини таҳлил этар экан, уни давлат бюджети билан хусусий суғурта секторини бирлаштирувчи “гибрид молиялаштириш модели” сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, молиявий барқарорликка эришиш учун суғурта жамғармаларида рискларни диверсификация қилиш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш зарур [7].

Юқоридаги илмий қарашлар таҳлили шуни кўрсатадики, суғурта тизимини фақат ижтимоий ёки фақат бозор механизми сифатида қараш бир томонлама ёндашувдир. Муаллиф фикрича, мажбурий тиббий суғурта тизими икки функционал табиатни уйғунлаштиради: ижтимоий кафолат ва молиявий бозор элементи.

Хусусан, Пигу ва Самуэльсон суғуртани ижтимоий қайта тақсимлаш механизми сифатида тўғри баҳолаган бўлсалар-да, улар молиявий диверсификация ва инвестициявий фаолиятнинг иқтисодий аҳамиятини тўлиқ ёритмаган. Шунингдек, Гуров ва Миловидовлар суғуртани фақат давлат молияси тизими билан боғлаб кўради, бу эса бозор тамойилларини чеклайди.

Фикримизча, Янги Ўзбекистон шароитида мажбурий тиббий суғурта тизими давлат бюджетига параллел, аммо ундан мустақил ишлайдиган иқтисодий ва ҳуқуқий институт сифатида шаклланиши керак. У жамиятда ижтимоий адолат ва молиявий барқарорликни таъминловчи давлат-хусусий шериклик асосидаги “интеграциялашган молия тизими” сифатида фаолият юритиши лозим.

Фикримизча, *“мажбурий тиббий суғурта тизими”* — бу фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги хавфларини молиявий жиҳатдан бошқариш ва ижтимоий кафолатларини таъминлашга қаратилган, давлат томонидан тартибга солинадиган ҳамда суғурта жамғармалари орқали ресурсларни қайта тақсимлашни амалга оширувчи интеграциялашган молия–ҳуқуқий институтдир.

Бу таъриф тизимнинг уч асосий жиҳатини қамраб олади:

иқтисодий жиҳати – ресурсларни жамғариш ва қайта тақсимлаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш;

ҳуқуқий жиҳати – фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини давлат томонидан кафолатлаш;

ижтимоий жиҳати – аҳолининг барча қатламларини тенг тиббий ҳимоя билан таъминлаш.

Мажбурий тиббий суғурта (МТС) тизими Янги Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришнинг янги институционал шакли сифатида

давлат молияси ва бозор иқтисодиёти механизмларини уйғунлаштирувчи иқтисодий-ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлмоқда.

Илмий-тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, МТС нафақат аҳолини тиббий хизмат билан таъминлаш воситаси, балки молиявий барқарорлик, ижтимоий адолат ва соғлом рақобат муҳитини яратишга хизмат қилувчи комплекс тизимдир. Унинг моҳиятида молиявий жамғарма, қайта тақсимлаш, рискни бошқариш ва давлат кафолати элементлари бир вақтнинг ўзида мавжуд.

Халқаро олимлар (А. Пигу, П. Самуэльсон, Ж. Стиглиц ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган назарий моделлар МТСнинг ижтимоий қайта тақсимлаш, ахборот асимметриясини бартараф этиш ва молиявий самарадорликни таъминлашдаги аҳамиятини асослаб берган. Миллий иқтисодчилар (Ш. Камалов, Б. Султонов, Д. Исмоилов ва бошқалар) эса ушбу тизимни Ўзбекистон шароитида давлат-хусусий шериклик ва рискни диверсификациялаш асосида ривожлантириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаган.

Фикримизча, мажбурий тиббий суғурта тизимини фақат ижтимоий ёки фақат бозор воситаси сифатида талқин қилиш тўғри эмас. Унинг табиати икки қиррали бўлиб, ижтимоий кафолат ва молиявий инструмент функцияларини бирлаштиради. Бу жиҳат уни Янги Ўзбекистоннинг “Инсон қадри учун” тамойили билан уйғун ҳолда амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

МТСнинг ҳуқуқий асослари ҳали етарли даражада тизимлашмаган. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда тиббий суғуртанинг молиявий барқарорлиги, рискларни тақсимлаш ва инвестиция фаолияти механизмлари аниқ белгиланмаганлиги амалиётда ҳуқуқий бўшлиқларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли, мазкур тизимнинг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги назарий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан:

биринчидан, молиявий механизмни институционал такомиллаштириш учун, Ўзбекистонда МТС жамғармаси фаолиятини мустақил молиявий институт сифатида ташкил этиш, унга норматив равишда “суғурта захиралари, инвестиция портфели ва риск бошқаруви” бўйича аниқ талабларни жорий этиш зарур;

иккинчидан, ҳуқуқий базани кучайтириш мақсадида, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиниши лозим. Унда қуйидаги нормалар белгиланиши таклиф этилади:

тиббий суғурта жамғармаларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш тартиби;

фукаролар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари миқдори ва ҳисоблаш усули;

суғурта фондлари маблағларини инвестиция қилишга оид чекловлар ва кафолатлар;

молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик механизмлари.

учинчидан, молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан, тиббий суғурта жамғармаларида диверсификациялашган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, яъни маблағларни давлат облигациялари, соғлиқни сақлаш

инфратузилмаси лойиҳалари ва ижтимоий облигацияларга йўналтириш орқали узок муддатли даромад манбаини шакллантириш лозим;

тўртинчидан, рискларни бошқариш тизимини яратиш учун, суғурта компаниялари ва тиббий муассасалар фаолиятида “актуар ҳисоб-китоблар ва прогнозлаштириш стандартлари”ни жорий этиш тавсия этилади. Бу молиявий таваккалчиликни олдиндан баҳолаш ва жамғарма барқарорлигини сақлаш имконини беради;

бешинчидан, ахборот технологияларини жорий этиш нуқтаи назаридан, Жанубий Кореянинг “e-Law Enforcement Management System” ёки Германиянинг “Health Insurance Digital Register” тизими сингари электрон платформа ишлаб чиқиши зарур. Бу суғурталанувчилар ҳисобини автоматлаштириш, маблағлар ҳаракатини мониторинг қилиш ва коррупция омилларини қисқартириш имконини яратади;

олтинчидан, фикримизча, Ўзбекистонда МТС тизимини “гибрид молиявий модель” асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Унда:

давлат бюджети – асосий кафолат ва ижтимоий ёрдам вазифасини;

суғурта жамғармалари – молиялаштириш ва риск тақсимлаш вазифасини;

хусусий сектор – хизмат кўрсатиш ва инвестиция вазифасини бажариши керак.

Бу модел миллий иқтисодиёт учун ҳам ижтимоий, ҳам молиявий жиҳатдан барқарор тизим яратиш имконини беради.

Мажбурий тиббий суғурта тизимини иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш Янги Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлайди, давлат бюджетининг юкини енгиллаштиради ва аҳолининг барча қатламларини тиббий ҳимоя билан таъминлашга хизмат қилади. Бу тизимнинг келгусидаги ривож мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва инсон капиталини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – 2030. Тошкент, 2023.
2. Pigou, A. The Economics of Welfare. London: Macmillan, 1932. – P.32.
3. Samuelson, P. Economics of the Public Sector. New York: McGraw-Hill, 1980. – P.103.
4. Stiglitz, J. Economics of the Public Sector. New York: W.W. Norton, 2000. – P. 108.
5. Миловидов В.Д. Финансовый механизм социального страхования. Москва, 2019. – С. 11.
6. Гуров А.И. Социальное страхование и государственные финансы. Москва: Юрайт, 2021. – С. 2.
7. Камалов Ш. Ўзбекистонда тиббий суғурта бозорини ривожлантиришнинг молиявий механизмлари. Тошкент: Иқтисод фанлари журнали, 2023. – Б. 89.